

в) Йўл варақасида балонлар сони, ва уларнинг геометрик хажми, техник холати тўғрисида белги кўйишга.

г) Автомобилга газ қўйиш учун белгиланган тартибда рухсатнома олишга.

д) Баллонлар геометрик хажмини 0,5 аниклиқдаги маълумотларини автомобил техник паспортида ёки қўшимча варакда автомобил қисмидаги махсус табличкада ёзиб кўрсатиш.

4.3. «Сотувчи» зиммасига «АСГТКШ»да жорий таъмирлаш ишлари бошланишидан 1 (бир) кун олдин, капитал ремонт ишлари бўлишидан 15 (ўн беш) кун олдин «Харидор» ни хабардор қилиш юклатилади.

4.4. Таъминотчи мажбур:

а) Махсулот таъминотини ушбу шартнома шартлари ва нормалари доирасида олиб боришга.

б) «Харидор» томонидан белгиланган тартибда газ қўйиш регламенти ва ушбу шартнома шартларининг бажарилмаслиги, «Сотувчи» томонидан сиқилган таббий газ қўйиш шартларини бажарилмаслигига олиб келади.

5. Газнинг ҳисоби ва ҳисоб тартиби.

5.1. «Харидор»га берилаётган сиқилган таббий газнинг миқдори, «Сотувчи»нинг З дона КПГ-2 маркали (завод рақами № 145,146,147) газ қўйиш колонкаси, «Узстандарт» агентлиги «Метрология хизматлари кўрсатиш маркази» Давлат корхонаси томонидан берилган №05-3337-2009-сонли «ўлчаш воситаларини метрологик шаходатлаш сертификати» ва коомпрессорга маркаси ЗГШ 1,6-0,8|6-251 (завод раками № 031) Узбекистон Республикаси сертификатлашириш миллий тизими, «Саноатконтехназорат» Давлат назорат инспекцияси товарларни сертификатлаш бўлими томонидан берилган UZ SMT.01.047.0850736-сонли «мувофиқлик сертификати»га асосан, «Истеъмолчи»га берилаётган газнинг хажми ва миқдорининг ҳисоби олиб борилади.

6. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги.

6.1. Сиқилган таббий газнинг ушбу шартномада белгилангандан ортиқча олиниши қўшимча келишув битими билан расмийлаштирилади.

6.2. Берилган сиқилган таббий газ учун тўловлар «Харидор» томонидан кечикирилса хар бир кечикирилган кун учун 2% устама ҳисобланади.

6.3. «Сотувчи» томонидан шартномада белгиланган талабларнинг бажарилмаслиги 0,2% бажарилмаган қисмiga устама ҳисобланади.

6.4. Мажбуриятларининг тўлиқ бажарилишини, сиқилган таббий газ учун тўловларнинг вақтида тўланишини таъминлаш мақсадида «Сотувчи», «Харидор»дан нотариал идорада тасдиқланган мулкини бериш тўғрисидаги кафолатини талаб қилиши мумкин.

6.5. Ушбу ҳисоб шартнома шартларининг қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги учун томонлар Ўзбекистон Республикаси қонунлари доирасида жавоб берадилар.

7. Форс-мажор.

7.1. «Сотувчи» ва «Харидор» томонидан сиқилган таббий газ бериш ва қабул қилишини камайтиришлари қўйидаги ҳолларда зиммаларига жавобгарлик юкламайди.

а) олдиндан билиб бўлмайдиган электр энергия таъминоти узилганда, худуд магистрал газ узатгичларида авария ҳолатлари рўй берганда.

б) магистрал газ узатгичда, электр тармоқларида навбатдаги капитал таъмирлаш ишлари олиб борилаётганда, пайвандлаш ишлари олиб борилаётган вақтда.

8. Амал қилиш муддати ва бошқа ҳолатлар.

8.1. Ушбу ҳисоб шартнома томонлар томонидан имзолангандан кейин Ғазначилик бўлинмасидан рўйхатдан ўтган кундан бошлаб қонуний кучга киради ва 2022 йилнинг «31» ~~декабр~~ амал қиласи.

8.2. Ушбу ҳисоб шартнома 2(икки) нусхада тузилган ва томонлар учун бир хил юридик кучга эга.

8.3. Ушбу ҳисоб шартномада назарда тутилмаган ҳолатлар амалдаги Ўзбекистон Республикаси қонунлари доирасида кўриб чиқиласи.

8.4. Ушбу ҳисоб шартномага ўзгаририш ва қўшимчалар томонларнинг ўзаро келишуви билан киритилади.